

Ш. Умаров,
Тарих фанлари бўйича Док/ (PhD)
 Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот
 маркази директори ўринбосари.

ИМОМ АЛ-МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИДА АҚЛИЙ ВА НАҚЛИЙ ДАЛИЛЛАР



Мовароуннаҳрда мотуридия калом мактабининг вужудга келиши ҳамда ханафийлик мазҳабининг кенг тарқалишида Самарқанддаги илмий муҳитнинг ривожланишида муҳаддислар, фақиҳлар, мутакаллимларнинг хизмати муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, Самарқанднинг маданий-маърифий муҳитининг ривожланиши ханафий-мотуридийлик таълимотининг пайдо бўлишида ханафий мутакаллимлари Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 208/823 й.) ва Аҳмад ибн Наср Атакийларнинг (IX аср) хизматлари катта бўлиб, бу икки аллома ҳудудда ҳадис ва калом илми борасида машҳур саналган [10:383]. Имом Аъзамнинг калом илмига оид таълимотининг Имом Мотуридийга етиб келиши Ҳафс ибн Салим Самарқандий Абу Муқотилнинг шогирдлари орқали бўлганлиги манбаларда таъкидланади [11]. Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ибн Салим Самарқандий эса ўз даврида икки улуғ муҳаддислар Абдулҳамид Кеший ва Абдураҳмон Доримийлардан ҳадис ривоят қилган муҳаддислардан бири бўлган [12:132].

Мовароуннаҳр калом ва фикҳ илми ривожида етук аллома Имом Мотуридийдек улуғ мутакаллимнинг етишиб чиқишида Самарқандда фаолият олиб борган Имом Доримий, Абдулҳамид Кеший, Абу Муқотил Са-

марқандий, Аҳмад ибн Наср Атакий, Салим ибн Ҳафс ва Умар ибн Ҳафс Самарқандийларнинг хизматлари бекиёс.

Буюк каломшунос олим, шарқ мутакаллимлари устози, ҳидоят имоми дея эътироф этилган аллома Имом Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрни ислом оламида буюқдир. Имом ўзининг эътиқоди йўналиши билан шарқ калом мактабига асос солган ва унинг асарлари аҳли сунна ва жамоа эътиқодини ўрганиб, тўғри йўлни танлаб олишда бебаҳо асарлардан ҳисобланган. Имом Мотуридий ўзининг эътиқодий қарашларини икки йўналиш: нақлий ва ақлий далиллар билан асослаган. Бу ҳақда алломанинг ўзи шундай деб таъкидлайди: “Диннинг танишликнинг асли икки йўли мавжуд бўлиб, бу эшитиш ва ақл юри-тишидан иборат” деган [3:426-427].

Имом Мотуридий яшаган даврлар калом илми борасида энг мунозара ва баҳсларга бой давр бўлиб, ҳар хил эътиқодий оқимлар фаолият олиб борган ва улардан муътазилий йўналиши кенг тарқалган. Муътазилий тарафдорлари томонидан ақлни диннинг асоси деб эътироф этиб, ақлни нақлдан устун қўйиб унга кенг тарғиб қилиш даври бўлган. Улар ўз ақлий қарашлари нақлий далилларга қарши келса ҳам ақлий далилни устун қуйишган. Муъта-

зилий қарашларида фақат мутовотир ҳадислар олинган ва бошқа ҳадислар далил сифатида олинмаган. Бу даврда ҳадис аҳли ва муҳаддислар бу каби эътиқодий қарашларга ўз муносабатларини билдириб, уларга қарши илмий баҳслар олиб боришган. Муътазилийлар ҳаракати аббосий халифаларидан ал-Маъмун (813-833), ал-Муътасим (833-842) ва ал-Восиқ (842-847) даврларида авж олди [4:22-23]. Бу даврда бундан ташқари қадарийлар, муржийлар ва рофизийларга хос қарашлар ҳам жамиятда мавжуд бўлган. Имом Мотуридий ислом тарихида кенг тарқалиб кетган ҳар хил эътиқодий қарашларни бир хил тизимга солиш ва уларни нақлий ва ақлий далилларга таяниб исботлаб бериш каби буюк ишларни амалга оширган. У ўзининг эътиқодий қарашларида келтирган масалаларнинг ҳукмида оят ва ҳадисга таяниб ҳукм чиқаришга катта эътибор қаратган. Эътиқодий қарашларини мустаҳкамлашда биринчи нақлий далил оят ва ҳадисни келтириш билан ақлонийлардан катта фарқ қилган.

Имом Мотуридий ўзининг “Китоб-ут-тавҳид” асарида кўплаб оятларни далил сифатида келтириш билан бирга ҳадислардан ҳам кўп ўринларда фойдаланган. Имом ўз қарашларини нақлий далиллар билан илмий исботлаб берган. Барча илмларнинг негизида Қуръон ва ҳадис бўлгани каби, калом илми ҳам бу икки манбага асосланган. Фикҳ илмида “аҳли ҳадис” ва “аҳли рай” нинг бўлгани каби калом илмида ҳам “аҳли ҳадис мутакаллим” ва “аҳли рай мутакаллим” бўлган [3:351-352]. Имом Мотуридий “аҳли рай мутакаллим” бўлиб ўз қарашлари билан кенг тарқалган оқимларга қарши далил келтириш ва улар томонидан илгари сурилган қарашларга раддия беришда ҳадисларнинг ўрни катта аҳамиятга эга эканлигини асосли кўрсатиб берган. Имом Мотуридий “Китоб-ут-тавҳид” асарида асосий масалаларда Қуръондан йигирма олти масалада ҳадиснинг ўзидан далил келтириб ўтган ва бундан ташқари ўз фикр ва қарашларини

қувватлантириш мақсадида бошқа кўплаб ҳадисларга мурожаат қилган. Имом асосан мутовотир, саҳиҳ ҳадислардан фойдаланган ва баъзи ўринларда оҳод ҳадислар ҳам келтириб ўтилган. Қуйида ана шундай ўринларда фойдаланилган ҳадислардан келтириб ўтамыз. Қадарийларга нисбатан ушбу ҳадисни раддия сифатида келтирган.

Расулulloҳ (с.а.в.): *“Қадарийлар ушбу умматнинг мажусийларидар.....”* дедилар [7:139]. Имом Мотуридий мазкур ҳадисни муътазийлиларнинг: *“Аллоҳ таолонинг ирода-си кейин пайдо бўлган (яъни муҳдис)”* деган фикрига қарши далил сифатида келтириб, бунга ўхшаш фикр мажусийлар томонидан: *“нур олдин пайдо бўлиб, кейин қоронғулик ундан ҳосил бўлган”* деб айтилган фикрига ўхшатади ва бу ҳадис орқали муътазилийларнинг фикри ботил эканлигини исботлаб беради.

Имом Мотуридий қадарийлар ҳақида яна бир ҳадисни “Китоб-ут-тавҳид” китобида икки ўринда келтириб ўтади.

Набий (с.а.в.)дан: *“Менинг умматларим ичида икки тоифа кишилар бор, уларга менинг шафоатим бўлмайди: улар қадарий ва муржийлардир”* деб айтганлар [7:508-618]. Тақдирни инкор қиладиган қадарийлар ва имонга амалсиз суянадиган муржийлар учун мазкур ҳадис асосида шафоатнинг йўқлиги таъкидланган.

Имом Мотуридий ҳаётда қилинадиган ишларни икки қисмга тақсимлаб, дунё ва дин ишидан иборат эканлигини таъкидлаб, бу масалага қуйидаги ҳадисни далил қилиб келтириб ўтади.

Набий (с.а.в.)дан: *“Ким янгилик киритувчига жой берса, унга лаънат бўлсин”*, - деганлар [7:556]. Янгилик киритиш дин ишида бўлса, бу ҳукмга киритилади, агар дунёвий ишларда янгилик киритилса, у бидъат аҳлидан бўлмайди. Шу билан ислом дини дунё ишларидаги тараққиёт ва янгиликларга қарши эмас, аксинча динда қийинчиликка йўл қўйилмаслиги таъкидланган.

Имом Мотуридий яшаган давр калом илмида кўплаб ихтилофлар вужудга келган даврга тўғри келади. Бу даврда кўплаб ботил эътиқодга амал қилувчилар авж олган. Мотуридий “Китоб-ут-тавҳид” асарида кўплаб фирқаларни санаб уларга раддия бериб, асосан муътазилийларнинг қарашларига мунтазам равишда бирма-бир раддиялар берган [7:180]. Калом илмида энг кўп ихтилоф ва мунозарага сабаб бўлган қараш “имон” мавзуси ҳисобланиб, Имом Мотуридий ва Имом Ашъарийлар бу масала борасида ўз қарашларига эга бўлган. Ашъарий ва муътазилийлар: “Имон – тил билан иқрор, дил билан тасдиқ ва арконларга амал қилиш” деб таъриф берган. Имом Мотуридий ва ханафийлар имонга “Имон – тил билан иқрор бўлиб, қалб билан тасдиқлаш” деб эътироф этишган ва бу билан икки машҳур имомнинг қарашлари имон бобида бир-биридан фарқ қилган [8:140].

Абу Ҳанифа ислом ва имон калималари бир маънони англатиши имонсиз ислом ва исломсиз имон бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлайди [1]. Бу қарашни Имом Мотуридий “имон” ва “ислом” сўзлари луғатда бошқа-бошқа маънони англатиши билан, эътиқодий қарашларда икки сўзнинг ҳам маъноси бир маънони билдиришини илмий асослаб: “*Ислом имонсиз, имон эса исломсиз бўлмайди*” деди [7:736]. Имом Мотуридий ўз қарашларига Умар ибн Хаттоб (р.а.) томонидан ривоят қилинган Жаброил (а.с.)нинг Пайғамбар (с.а.в.) билан қилган савол-жавоблари ҳақидаги машҳур ҳадис билан асослаб, бу ҳадисни маъносини қувватловчи бошқа муслим ва мўминнинг жаннатга кириши ҳақида келган ҳадислар билан илмий асослаб беради. Умар ибн Хаттоб (ра)дан: “*Бир киши Эй, Муҳаммад! “Менга исломдан хабар беринг” деди. Расулуллоҳ (сав): “Ислом – Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Расули деб гувоҳлик бермоқлигинг, намозни ўқимоқлигинг, закотни бермоқлигинг, рўза тутмоқлигинг ва*

йўлга қодир бўлсанг ҳаж қилмоғинг” дедилар.У яна: “Менга имондан хабар беринг” деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Имон – Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, охират кунига ва яхшилик ҳамда ёмонлик тақдирдан эканлигига имон келтиришинг” дедилар” [7:631]. Мазкур ҳадисда таъкидланганидек, ислом инсоннинг тили ва аъзолари билан амалга оширадиган амаллар ва имон фақат қалби билан ишониб бажарадиган амаллардан иборат эканлиги баён қилинмоқда. Ислом зоҳирий ва имон ботиний амаллар бўлиб, бу иккиси бирисиз мукаммал бўлмайди. Ислом ва имон сўзлари одам, инсон, киши, бани одам сўзларининг айтилиши бошқа-бошқа бўлсада, ундан англанадиган маъно бир хил бўлганидек, бу икки сўз ҳам бир хил маънони англатади.

Имом Мотуридий ўз қарашларини қуйидаги икки саҳиҳ ҳадис билан мустаҳкамлайди. Расулуллоҳ (с.а.в.): “*Жаннатга мўмин киши киради*” дедилар [5:4/1540]. Расулуллоҳ (с.а.в.): “*Жаннатга муслим киши киради*” дедилар [6:1/372]. Мазкур ҳадисларнинг ҳар иккисида ҳам мўмин ва муслимнинг жаннатга кириши алоҳида таъкидланган. Бу икки саҳиҳ ҳадисни Имом Мотуридий ўз қарашларига асос қилиб келтирган [7:637]. Бу фикрни Абу Муъин Насафий қарашида ҳам кўриш мумкин: “*имон билан ислом бир нарса бўлиб, ҳар бир мўмин муслим ва ҳар бир муслим мўминдир*”, -дейди [1]. Бу каби масалалар ҳозирги даврда ҳам долзарб саналиб, имон ва исломнинг талқин этишда ҳар хил қарашлар мавжудлиги боис бу мавзунинг ҳар томонлама ўрганилиши долзарб ҳисобланади.

Имом Мотуридийнинг эътиқодий қарашларида асосий аҳамиятга эга бўлган ҳадисларни ўрганиш ва ҳаётга кенг татбиқ этишнинг ўрни бекиёс бўлиб, бугунги кунда ҳар хил оқим ва фирқалар томонидан олдинга сурилаётган ғоявий даъволарга қарши раддия беришда муҳим аҳамият касб этади.